
Фуқароларга буғдой ва такрорий экин учун ерлар берилмоқда

“Инсон қадри учун” тамойили асосида одамларни рози қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланди.

Юртимизда ҳамиша ўзаро меҳр-оқибат, саховат, азалий қадриятларимизни эъзозлаш каби халқимизга хос эзгу фазилатлар улуғланиб келинган. Эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёши улуғ инсонларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда ҳам бу каби эзгу ишлар давом этмоқда.

Хусусан, айти пайтда саховатли фермерларимиз томонидан ҳудудлардаги эҳтиёжманд инсонлар ҳамда хўжалик аъзоларига буғдой, буғдой сомонлари ва такрорий экин экиш учун буғдойдан бўшаган ерлар берилмоқда.

Қува туманидаги Болалик маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Ишонч замин” фермер хўжалигида амалга оширилган ана шундай хайрли ишда туман ҳоқими Ҳалимжон Умаров, сектор раҳбарлари, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Абдуқаххор Қодировлар иштирок этдилар.

Болалик маҳалла фуқаролар йиғинидаги 74 нафар “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”ларга рўйхатга олинган фуқаролар, ишсиз ҳамда эҳтиёжманд оилалар ва фермер хўжалиги аъзоларининг ҳар бирига 200 кгдан буғдой, 20 дондан сомон преци ҳамда 20 сотихдан такрорий экин экиш учун буғдойдан бўшаган ер майдонлари ажратиб берилди.

Фермер хўжалиги томонидан мазкур ер майдонлари сомондан тозаланиб экин экишга тайёрлаб берилди. Фуқароларга такрорий экин учун берилган ерлардан унумли фойдаланиб, яхши маҳсулот етиштириш бўйича тавсиялар берилди.

2023-06-21 13:00:25